# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 11 январь, № 8 (5938) Шанба


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Адилов Мирсамад** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи

### «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Арипов Шамсиддин Сайфиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи хизмат бошлиғи

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Камалов Атабек Мадамбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

**Норпулатов Шухрат Шерпулатович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

### «Дўстлик» ордени билан

**Чернишев Дмитрий Александрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

### «Мардлик» ордени билан

**Жолшимов Ринат Дариябаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Иралиев Шокир Халилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рузибоев Бехзод Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Ташпулатов Турсунпулат Турсунюлдашевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Тоиров Санъат Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Умрзоков Абдурашид Абдухалилович (марҳум)** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальони милиционер-кинологи

**Халилов Содиқ Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хратов Рауф Ходиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Элмуротов Жахонгир Умурзакович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Жасорат» медали билан

**Абдуразаков Акмал Бахрамович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлинма командири

**Абдуразаков Сарвар Ильхамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдурахимов Асом Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдурахманов Марат Фаритович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Аскаров Азиз Насвалиевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Балтаев Мансур Равшанбекович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Бекмирзаев Мансур Комилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ мутахассиси

**Бердиев Ойбек Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғи

**Бобокулов Яркин Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Валламов Нигматилла Гайратович** — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тез ҳаракат қилиш махсус отряд қутқарувчиси

**Дурдиев Йўлдош Омонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Иброхимов Нозимжон Осимжон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

**Илхамов Дилмурод Махмуджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ишназаров Алишер Азаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Кадиров Абрарбек Муродович** — Наманган вилояти Поп тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Каримов Сулаймон Нормуродович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Матсафаев Нурбек Абдурахманович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мурадов Акрам Салимджанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мухаммадиев Нодирбек Бекмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

(Давоми 2-бетда).

## 12 январь — «Ватанга қасамёд» монументи очилган кун



*Тинчлик, осойишталик ва ҳамжиҳатлик устувор бўлган юртимиз бугунги кунга келиб, нафақат фаровон ҳамда обод, балки ўз қудрати ва салоҳиятини яққол намоён эта олаётган мамлакатга айланди. Албатта, бундай юксак марраларни забт этишимизда истиқлол берган кенг имкониятлар, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган янгиланишлар ва изчил ислоҳотларнинг беқиёс аҳамияти бор.*

# МАРДЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

Шундай экан, бундай имкониятларнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни асраб-авайлаш, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бинобарин, она-Ватанига меҳр-муҳаббатли, садоқатли бўлиб, ана шу туйғунинг масъулиятини доимо ҳис этиш ҳаётимиз мазмунига айланиб бормоқда.

Бинобарин, бугун Ўзбекистон фарзандлари, профессионал асосдаги миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган жасур ва мард ўғлонларнинг ҳар бири садоқатда, фидойиликда тенгсиз саналади. Бугун уларга ҳавас қилиб, ҳарбий хизматга бориш ва фарзандлик бурчини адо этиш истагини билдираётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қалбимизга алоҳида ғурур ҳиссини бағишлайди. Бу аҳоли ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксалганидан далолатдир.

Зиммасидаги шарафли бурчни сидқидилдан бажараётган, она-юрт шаънини, унинг сарҳадларини ўз ор-номусидек ҳимоя қилаётган ҳарбийларимиз халқимизнинг доимий эътиборида, эъзозида ва ардоғидадир.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда қад ростлаган "Ватанга қасамёд" монументи юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга бел боғлаган фидойи ўғлонларимиз шарафига қўйилган бетакрор обида ҳисобланади. Ушбу мажмуа 2010 йилнинг 12 январь куни тантанали равишда очилган эди.

(Давоми 4-бетда).

## ДИЛ СЎЗИ

*Президентимизнинг Янги йил табригида айтилганидек, якунига етган 2013 йил Ватанимиз тараққиётига, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, эл-юртимиз ҳаёт даражасининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани, хосиятли ва баракали бўлганини шукроналик билан таъкидлашимиз лозим.*

# Обод турмушимиз фароғати

Чиндан ҳам, Обод турмуш йили юртдошларимиз ҳаётида ободликнинг янги даврини бошлаб бергани билан янада қадрли ва унутилмас. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида барқарор ривожланиш кузатилиб, кўп миқдорда дала ва боғ неъматлари етиштирилгани, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида салмоқли натижаларга эришилгани диққатга сазовордир.

Ўзимиздан қиёс олиб айтадиган бўлсам, ўтган мавсум бизнинг фермер хўжалигимиз учун ҳам жуда омадли келди. 68 гектар майдондан 450 тонна дон, 66,3 гектар ердан 230 тонна пахта йиғиштириб олдик. Чорвачилик ва боғдорчилик тармоқларидаги натижаларимиз ҳам чакки эмас. Буларнинг барчаси истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар самарасидир.

(Давоми 3-бетда).

# СОҒЛОМ МУҲИТ — СОҒЛОМ ОИЛА

*Самарқанд шаҳрида вилоят аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, маҳаллалар ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

## ТАДБИР

Вилоятдаги хотин-қизлар қўмиталари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман ва шаҳар бўлинмалари вакиллари, таълим ва тиббиёт муассасалари ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари қатнашган мазкур тадбирда юртимизда оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

# САДОҚАТ ЖАСОРАТ МАТОНАТ

Миллий армиямиз ёшларимиз қалбида ана шу туйғуларни мустаҳкамловчи чинакам ҳаёт мактабидир.



*Қуролли Кучларимизнинг йигирма икки йиллиги. Ўтган шу давр мобайнида Президентимиз раҳнамолигида ҳар томонлама ривожланган, замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ҳамда стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир миллий армиямиз шакллантирилди.*

*Кенг кўламли ислоҳотлар натижасида армиямиз нафақат Ватанимиз чегаралари ва халқимиз осойишталигининг ишончли ҳимоячиси, балки ёшларда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилиятини кучайтирадиган, жисмоний чиниқиш ҳамда юксак инсоний фазилатлар камол топадиган чинакам ҳаёт мактабига айланди. Бугун Қуролли Кучларимиз сафида эл-юртига садоқатли, мард ва жасур, фидойи ўғлонлар хизмат қилмоқда. Улар доимо халқимиз ардоғида, давлатимиз эътиборидадир.*

*Газетамизнинг 4-саҳифасида Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг 22 йиллигига бағишланган туркум мақолалар билан танишасиз.*

## Қисқа сатрларда

● Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тарғиботига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда алоҳида қайд этилганидек, эндиликда янги тизим таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказишни масофадан туриб, интерактив расмийлаштириш орқали амалга оширишни таъминлайди.

**● Пойтахтимизда олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари учун уч кунлик ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда турли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари мамлакатимизда ёшлар сиёсати ва маънавий-маърифий йўналишларда амалга оширилаётган ишлар, олдинда турган устувор вазифалар ҳақида маърузалар ўқишди.**

● Фарғонада "Намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Танловда қуйи босқичларда сараланган 12 милиция таянч пункти фаолияти кўриб чиқилди. Ҳайъат хулосасига кўра, Қўқон шаҳридаги 47-милиция таянч пункти ғолибликка муносиб, деб топилди.

**● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутасаддилигида "Билимлар беллашуви" танловининг туман босқичлари ниҳоясига етди. Ушбу анъанавий танловнинг асосий мақсади истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда рағбатлантиришдан иборат.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2013 йилда мамлакатимизда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори**

**20,8 фоиз ўсди.**

Бу, аввало, биз танлаган ва бутун дунёда эътироф этилган, "ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт йўлимизнинг беқиёс самараларидан бири бўлиб, халқимизнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганидан яққол далолатдир.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Насридинов Аҳадхон Аълохонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Отамуродов Азамат Раҳимович** — Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Сариосиё» чегара божхона комплекси бошлиғи

**Рахмонов Бахтиёр Махмудович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ катта мутахассиси

**Рузметов Раматжон Ниёзматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штаби бўлинма бошлиғининг ўринбосари

**Сагдуллаев Фуркат Шукурулло ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби ходими

**Садиков Саид Камильевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

**Саидмурадов Алишер Базарбаевич** — Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Сатилов Дилшоджон Хайиталиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби хизмат бошлиғи

**Тилаболдиев Шухратжон Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Турдиев Нодиржон Кобилжонович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Умаров Рустам Фаридович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уразметов Икрам Тулабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уралов Абдумавлан Атабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Хажимирзаев Ёкубжон Фазилжонович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Ҳакимов Қахрамон Норбўта ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Умидбек Тиловолдиевич** — Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Холматов Бобир Эркинович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Худайкулов Ёлкин Азизович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Худанов Талъат Ойбутаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Чориев Сирожиддин Даутович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Шамурадов Отабек Турсунпўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юлдашев Изатулла Рихсиваевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдуразаков Муратали Юлчибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Абдураимов Ойбек Кошбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлимининг катта офицери

**Аскаров Султонбек Худойназарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ачилов Латиф Азимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штабининг бош мутахассиси

**Бекназаров Фазлиддин Хужаназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Бозоров Рустамжон Иброхим ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Джураев Фархад Эшбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Исаков Дилшодбек Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Қобилов Беҳзод Бекмуродович** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Комилов Ферузбек Садиралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Мадаминов Умидбек Марифжанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Мажидов Сухроб Абдувохидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Мажитов Акмал Абдикромович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Маллаев Искандар Маматмусаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Махамадиев Элбек Турдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Мирзаханов Анасжон Хошимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси

**Наркабилов Батир Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Очилов Акбар Ҳожиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

**Ражаббаев Адилжон Нигматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Расулов Хусниддин Хашимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Сагитов Фанис Фаритович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Санакулов Жахонгир Абдухалилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қарши ҳарбий госпиталининг бўлинма бошлиғи

**Саттарова Матлуба Каршиевна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Темиров Акбар Янгибаевич** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Тоштемиров Мухамадали Шералиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Туляганов Фархад Валижанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Файзуллаев Мансур Ҳусанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Шухрат Баходирович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Хидиров Мирҳожиддин Сунатуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ходжиев Рустамжон Амонович** — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи

**Эгамбердиев Хасан Сунатиллаевич** — Тошкент ҳарбий округи ҳарбий суди раиси

**Юнусов Элмурод Зохиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдуллаев Куралбай Конгратбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Абдужобборов Бахтиёржон Дастонбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Авазов Фарход Рахматуллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Атнабаев Марсель Ражапович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Бойко Ольга Викторовна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Гулямов Зохид Гафурович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ўта мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнғинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

**Джангибаев Хасан Уролович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Дружинина Нина Ивановна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бош муҳандиси

**Жабборов Алишер Гаппорович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилояти ҳарбий-техник тайёргарлиги марказининг устаси

**Ибрагимов Аброрбек Махаммадкомилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Инамов Жасур Асатович** — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчиси

**Иноятов Ботир Рахматович** — Термиз ҳарбий суди раиси

**Каримов Тохир Тулкунович** — Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Касимов Бахтиер Сафарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлим бошлиғи

**Косимов Ойбек Мадаминхонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Муйдинов Акмал Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Муратов Алишер Турапович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Жиззах автомобиль мактабининг устаси

**Резниченко Артур Михайлович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи хизмат бошлиғи

**Рузиматов Бобур Садиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Сапаров Одил Нодирқулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Суханов Насим Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлимининг катта офицери

**Тураев Ботир Чоршанбиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Хайдаров Шавкат Бозарович** — Самарқанд ҳарбий прокурори

**Худойкулов Сабриддин Наврузович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Шамудинов Шарафиддин Камалович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг ўринбосари

**Шарапов Жамил Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шодиев Анваржон Эргашбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм назоратчилар взводи секция командири

**Шукуров Шахобиддин Тилляевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий клиник госпиталининг бўлинма бошлиғи

**Эркабоев Рахматилла Файзиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юсупов Жавхар Ғофирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси бошқармасининг ходими

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 10 январь

---

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Г. Рустамова ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Бугунги кунда вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, диний идоралар ва-

## СОҒЛОМ МУҲИТ — СОҒЛОМ ОИЛА

килларидан иборат гуруҳлар маҳаллаларда соғлом турмуш тарзи юзасидан тушунтириш ишлари олиб бораётгани таъкидланди. Профилактик ҳисобда турувчи ва нотинч оилалардаги вазият ўрганилиб, уларга зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Ёш оилалар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётир. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларни "оммавий маданият" таъсирларидан асраш каби долзарб масалалар гуруҳларнинг доимий эътиборида турибди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Фаровонлик неъмати

*Қарши туманидаги Мирмирон массивида жойлашган 214 та хонадон аҳли Янги йилни намунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий тураржойларда кутиб олдилар. Байрам дастурхонига турли ноз-неъматлар билан бирга, ҳудудда иш бошлаган "Косон дон маҳсулотлари қабул қилиш" масъулияти чекланган жамиятига қарашли замонавий нон цехи маҳсулотлари алоҳида файз киритди.*



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

ЖАРАЁН

Дарҳақиқат, тандирдан янги узилган нон иси эзгу ниятли одам димоғига хуш ёқади, баҳридилини очади. Таъми эса танани яйратади. Шу боис юртдошларимиз дастурхонга иссиқ нон тортишга одатланган.

Мирмирон массивидаги корхонанинг 24 кишилик жамоаси маҳалладошларининг бу борадаги талаб ва эҳтиёжини қондираётганидан, узоғини яқин қилаётганидан мамнун. Эътиборлиси, цехга ўрнатилган технологияларнинг барчаси — илғор, Германияда ишлаб чиқарилган. Улар ёрдамида бир кеча-кундузда 3 тонна унни қайта ишлаш мумкин. Ҳозир бу ерда 30 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, маҳаллий истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

— Ҳудудимизда 1400 дан зиёд хонадон мавжуд, — дейди "Мирмирон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Толиб Сафаров. — Бу ерда барпо этилган замонавий типдаги бозорча, минимаркет, минибанк, маиший хизмат шохобчалари ва болалар спорт майдончаси нафақат янги массив, балки фуқаролар йиғинимизга қарашли Хониён, Қумота қишлоқлари аҳолисига ҳам намунали хизмат кўрсатаяпти.

Эътиборли жиҳати, 2013 йилда вилоятда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган янги уй-жой массивларида 17 та ана шундай инфратузилма иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса янги маҳаллалар ҳуснига ҳусн қўшиш баробарида, аҳолига қатор замонавий қулайликлар яратди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

*Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори ижроси жойларда изчиллик билан давом эттирилмоқда.*

## Инсонпарварлик — олий қадрият

Шундай тадбирлардан бири Андижон шаҳридаги жазони ижро этиш муассасасида бўлиб ўтди. Унда амнистия акти қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширувчи ишчи гуруҳ аъзолари, прокуратура ходимлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими мутасаддилари ва ота-оналар қатнашди.

— Инсон қадри улуғланган юртда яшаётганимиздан бахтиёрман, — дейди Избоскан туманилик Ф. Имомова. — Ўғлим яқинда 21 ёшга кирди. У 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди. Ёлғиз ўзим 3 нафар фарзанд билан қолиб, ўғлимнинг тарбиясига эътиборсиз бўлдим, чоғи, унинг бундай йўлга кирганини билмай қолибман. Президентимизга раҳмат, унга яна бир имконият берди. Бундан кейин ўғлим тарбиясига жиддий эътибор қаратаман. Ишонтириб айтаманки, болам бундай йўлга қайтиб кирмайди. Халқимизга, юртимизга манфаат келтирадиган инсон бўлади. Унинг ўзиям шу фикрда.

Тадбирда жазодан озод қилинаётган шахслар ижтимоий мослашуви ҳамда ҳимояси бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Айниқса, бундай шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш, бандлигини таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтожларини ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органларига топшириш билан боғлиқ жараёнлар пухта ташкил этилгани алоҳида таъкидланди.

— Уларнинг оила ва жамиятга мослашиб кетишида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам алоҳида ўрни бор, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Икромитдин Валиев. — Шунга кўра, озодликка чиқаётган шахсларни реабилитация қилиш бўйича махсус режа тузганмиз. Қарор ижросини таъминлашда бу, айниқса, қўл келмоқда.

Якунда жамият учун хавфли бўлмаган жиноят содир этган ва қилмишидан пушаймон бир гуруҳ маҳбуслар озодликка чиқарилди ҳамда уларга тегишли тавсиялар берилди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ БУГУН — МИЛЛИЙ БОҒЛАР ВА ҚЎРИҚХОНАЛАР КУНИ

*Мана, 17 йилдирки, жаҳонда 11 январь санаси "Миллий боғлар ва қўриқхоналар куни" сифатида нишонлаб келинмоқда. Зеро, экологик барқарорликни таъминлаш, биологик хилма-хилликни сақлаш, атроф-муҳит мусаффолигига эришишда бундай объектларнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис мамлакатимизда табиий қўриқланадиган ҳудудларни янада кенгайтириш, уларда ноёб наботот ва ҳайвонот турларини кўпайтириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида истиқлол йилларида миллий ва халқаро "Қизил китоб"га киритилган айрим турларни кўпайтиришга муваффақ бўлингани диққатга сазовордир.*

# Табиатнинг нодир жавоҳирлари

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидан маълум қилишларича, бугунги кунда юртимизда саккизта давлат қўриқхонаси, иккита миллий боғ, ўнта давлат буюртмахонаси, бешта табиат ёдгорлиги, битта экомарказ ҳамда шунча биосфера резервати фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг умумий майдони эса 9,1 миллион гектардан ошди.

Мутахассисларнинг айтишича, табиатда турларнинг ривожи бамисоли занжирдек бири-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар ўзаро яхлит экотизимни ташкил этади. Ҳатто бир гиёҳнинг йўқолиши ҳам яшил оламнинг мувозанати бузилишига олиб келади. Аммо шунга қарамай, табиат неъматларига бўлган ноодилона муносабат айрим турларнинг тобора камайиши, қолаверса, бутунлай йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда дунё бўйича 16 минг 928 тур йўқолиб кетиш хавфи остида эканлиги, айниқса, ачинарлидир. Бу флора ва фаунанинг табиий кўпаядиган ҳудудлари тобора қисқариб бораётгани, ноқонуний овнинг камаймаётгани билан изоҳланмоқдаки, шу жиҳатлар соҳа мутахассислари зиммасидаги масъулиятни янада кучайтиришни талаб қилади.

Зарафшон тоғининг жануби-ғарбий ёнбағридаги "Китоб давлат геологик қўриқхонаси" давлат корхонаси заминимизнинг қадим тарихидан сўзловчи ноёб табиат обидалари билан машҳур. Унинг умумий майдони 3938 гектардан иборат бўлиб, денгиз сатҳидан 1300-2700 метр баландликда жойлашган. Бу ерда Оби Сафит, Хўжақўрғон, Зинзилбоғ, Новабоғ каби сойлардан гўзал ва бетакрор тоғ даралари ҳосил бўлган.

— Қўриқхонамизнинг табиати ниҳоятда ранг-баранг, — дейди қўриқхона директори Ўткир Раҳмонов. — Бу ерда ўсимликларнинг қарийб 800, ҳайвонларнинг эса 136 тури учрайди. Айниқса, Зарафшон арчаси, Туркистон заранги, момиқли заранг, Бухоро бодоми, дала чирмовуғи кенг тарқалган бўлиб, улардан тоғ ўрмонлари пайдо бўлган. Дараларнинг пастки қисмлари эса ёнғоқзор, толзор ва магалепка билан қопланган. Қуйироққа тушсангиз, бутасимон дарахтлар пойингизга тўшалади. Бундан ташқари, 280 турдаги шифобахш гиёҳ учрайди. Ўсимликлардан 22 тури камёб бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоби"га киритилган.

Қўриқхонанинг ҳайвонот олами ҳам ўзига хос. Толай-қуён, жайра, бўрсиқ, сувсар, тулки ва бўри ҳудуд учун одатий турлар ҳисобланади. Айрим даҳаларда эса Ўрта Осиё кобраси учраб турса, этномофаунанинг қизиқарли объектларининг асосий қисми шу ерда жамланган. Бинобарин, капалакларнинг 80, ўргимчакларнинг 51, қисқичбақасимонларнинг 11, қушларнинг эса ўнлаб тури қўним топган.

Аслида қўриқхоналар фаолиятидан кўзланган асосий мақсад ҳам ноёб табиат объектлари, ландшафтлар, камёб ўсимлик ва ҳайвонот турларининг ирсий фондини сақлаб қолишдир. Юртимизда қўриқхона ва миллий боғлар ҳудудини кенгайтириш, ўрмонзорлар барпо этиш, қисқача айтганда, яшил олам мувозанатини сақлаш борасидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ. Бунинг самараси ўлароқ, қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида сана муносабати билан ташкил қилинган анжуманда батафсил сўз юритилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, шунингдек, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этди.

Тадбир доирасида "Ўзбекистон қўриқхоналарининг тирик жавоҳирлари" китоб-фотоальбомининг тақдимоти ҳам ўтказилдики, у соҳа ходимларининг табиат шайдоларига байрам тухфаси сифатида қабул қилинди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Обод турмушимиз фароғати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қувонарлиси, ўзлари учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, ҳалол меҳнат қилаётган, иқтисодиётимиз равнақига муносиб улуш қўшаётган қишлоқ мулкдорларининг хизматлари давлатимиз томонидан юксак рағбатлантириб келинмоқда. Бундан бизнинг "Анвар-А" фермер хўжалиги жамоаси ҳам мустасно эмас.

1999 йилда "Шуҳрат" медали, 2004 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвони, 2009 йилда "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланган эдим. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида эса Ватанимизнинг энг юксак мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлдим. Бунинг учун тақдиримдан, фермерлик ҳаракатининг этагидан маҳкам тутганимдан хурсандман. Камтарона меҳнатимни юксак баҳолаган Президентимиздан бениҳоя миннатдорман.

"Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони нафақат мен, балки вилоятимиз аҳли, барча фермерлар учун берилган юксак мукофотдир. Бу бизни янада самарали меҳнат қилишга, 2014 йилда янги марраларни забт этишга ундайди. Зеро, ушбу унвон нафақат юксак шараф, балки улкан масъулият ҳамдир.

**Анорбой ЭШМАТОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Пахтакор туманидаги**
**«Анвар-А» фермер**
**хўжалиги раҳбари,**
**Жиззах вилояти фермерлар**
**кенгаши раиси.**


● Реклама ва эълонлар ●

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**
**кафедралардаги қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:**

- Тиллар кафедраси: кафедра мудири (фан доктори ёки фан номзоди).
- Биотехнология кафедраси: кафедра мудири (фан доктори ёки фан номзоди).
- Токсикологик, органик ва биологик кимё кафедраси: доцент — 2 ўрин.
- Дори воситаларининг саноат технологияси кафедраси: ассистент — 1 ўрин.
- Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси: катта ўқитувчи — 3 ўрин.
- Фармакогнозия ботаника курси билан кафедраси: доцент — 2 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
- Фармацевтик кимё кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
- Фармакология ва клиник фармация кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
- Дори турлари технологияси кафедраси: доцент — 1 ўрин.

**Танлов муддати эълон чоп этилган кундан бошлаб — 1 ой.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй. Телефонлар: (8-371) 256-37-38, 256-38-50.**
2051А/1130

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**
*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 11 февраль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

● Яккасарой тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 7 октябрдаги 11-1304/9641-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 41-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м., бинонинг умумий майдони 242,0 кв.м., фойдаланиш майдони 217,91 кв.м. бўлган бир қаватли нотураржой.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳафтанинг иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24.**
*Лицензия: № RR-0017.*
65R/105

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**
*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

*«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 14 февраль куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:*

● Риштон тумани СИБ томонидан ЖИБ бўйича Риштон тумани судининг 2012 йил 12 июлдаги 1-113-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон тумани, «Бешкапа» ҚФЙ, Жалоер қишлоғида жойлашган, умумий майдони 178,37 кв.м., фойдаланиш майдони 151,41 кв.м. бўлган тегирмон ва савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 15 871 548 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 12 февраль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

*2014 йил 29 январь куни соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда:*

● Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зураймомо» МФЙда жойлашган, «1-Кўчма механизациялашган карвон» МЧЖга тегишли, қурилиш ости майдони 11 365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4 596,42 кв.м. бўлган, 0001-0012 литерлардаги сигирхона комплекси.

***Бошланғич баҳоси — 470 315 244 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 27 январь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй.**
**Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59.**
*Лицензия: № RR-0017.*
67A/105

**«Jizzax mulk markazi» МЧЖ**
**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Жиззах шаҳар СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2013 йил 16 майдаги 13-1304/3504-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жиззах шаҳри, Сангзор маҳалласида жойлашган, «Жиззах Кўҳинур» х/ф.га тегишли пиллани қайта ишлаш асбоб-ускуна ва жиҳозлари.

***Бошланғич баҳоси — 760 129 944 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 29 январь куни соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш 2014 йил 27 январь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000304946058001, МФО: 00122, СТИР: 302149531.

**Манзил: Жиззах ш., Шароф Рашидов к., 39-уй.**
**Телефон: (8-372) 222-35-77.**
**www.rmm.uz**
**Гувоҳнома № 004399.**
69R/27


## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз ноёб турдаги автомобиллар ишлаб чиқарувчи айрим компаниялар фаолиятига салбий таъсир қилмаган кўринади, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

### Харидоргир автомобиллар



"Rolls Royce" концерни (Буюк Британия)нинг 2013 йилдаги фаолияти бунга мисол бўла олади. Гап шундаки, мазкур компания қаторасига тўртинчи бор ўз рекордини янгилаб, ўтган йилда 3630 та автомобиль сотишга эришди. Бу 2012 йилдагига нисбатан 1,5 фоиз (55 та)га кўп. Мамлакатнинг яна бир ишлаб чиқарувчиси — "Bentley" машиналари савдосида ҳам 19 фоиз ўсиш қайд этилган.

Ушбу компаниялар мутасаддилари жорий йилда барқарорликни сақлаб қолиш учун барча имкониятларни ишга солишларини маълум қилишган.

### Темир йўл тизимига инвестиция

*Жорий йилда Хитойда умумий узунлиги 6 600 километрга тенг бўлган янги темир йўл линиялари қурилади.*



Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги маълум қилди. Ушбу лойиҳа рўёби учун жами 630 миллиард юан (104 млрд. АҚШ доллари) миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилган. Қурилиш ишларининг асосий қисми мамлакатнинг марказий ва ғарбий ҳудудларида амалга оширилади.

2013 йил якунлари бўйича Хитойдаги барча темир йўлларнинг узунлиги 100 минг километрни ташкил қилади. Улардан 10 фоизи юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун мўлжалланган.

### Корхонада бахтсиз ҳодиса

*Япониянинг Миэ префектурасида жойлашган "Mitsubishi Materials" компаниясига тегишли заводда портлаш рўй берди.*



Манбада айтилишича, бахтсиз ҳодиса оқибатида беш нафар одам ҳаётдан кўз юмган, 12 киши жароҳатланган. Дастлабки тахминларга кўра, портлашга корхонанинг иссиқликни алмаштириб берувчи линияларидан бирида юзага келган носозлик туфайли водород моддасининг сизиб чиққани сабаб бўлгани айтилмоқда. Воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда.

### Шаршара ҳам музлади

*АҚШнинг Нью-Йорк штати ва Канаданинг Онтарио музофоти оралиғида жойлашган дунёдаги энг катта шаршара — Ниагара қаттиқ совуқ ва ҳаддан зиёд кўп қор ёққани оқибатида музлаб қолди.*



"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, сув оқими тубига етиб бормай улкан сумалакка айланган. Ниагара шаршараси 1848 ва 1912 йилларда ҳам музлаганди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


МЧЖ «KRANTAS» шартнома асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

БЕНЗОВОЗ
«ISUZU», «КамАЗ» шассисида
Буюртма асосида



АВТОЦИСТЕРНАЛАР-ВОДОВОЗ
«ISUZU», «КамАЗ» шассисида
Буюртма асосида



КАФОЛАТ 1 ЙИЛ

ВАХТА УЧУН АВТОБУС
«КамАЗ» шассисида (6х6) 20-24 одамга
Буюртма асосида



СУВ СЕПАДИГАН МАШИНА
«ISUZU», «КамАЗ» шассисида
Буюртма асосида



(8-371) 262-63-45, т/ф 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. www.ttemz-kran.uz

ООО «CRANES & SPECIAL TRUCKS» ишлаб чиқаради ва сотади:

АВТОКРАНЛАР юк кўтариши 16 т., 25 т., 32 т., 50 т.
Буюртма асосида



Буюртма асосида



КАФОЛАТ 1 ЙИЛ

САМОСВАЛЛАР
«HOWO SINCTRUCK» шассисида, юк кўтариши 20 т., 25 т.

КРАНМАНИПУЛЯТОРЛАР
«ISUZU», «КамАЗ» шассисида, юк кўтариши 2,6 т., 5,3 т.

Буюртма асосида



Телефонлар:
(8-371) 262-63-45,
тел./факс: 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 808-88-17.
www.ttemz-kran.uz

Буюртма асосида



1943R/1052

## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 22 йиллигига

# САДОҚАТ • ЖАСОРАТ • МАТОНАТ



**Миллий армиямиз ёшларимиз қалбида ана шу туйғуларни мустаҳкамловчи чинакам ҳаёт мактабидир.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажмуада халқимизнинг муносиб ўғлони давлатимиз тимсоли бўлмиш байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки ётган қутлуғ заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани акс эттирилган. Ана шу мард ва жасур фарзандга оқ сут берган, бағрида кўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар она бамисоли ўз қўрғони олдида туриб, ҳарбий хизматга отланган жондан азиз боласига оқ фотиҳа бериб, унга оқ йўл тиламоқда.

## МАРДЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

"Шахсан мен ушбу бадиий мажмуани хаёлимдан ўтказар эканман, ўзимни бамисоли Ватанимга, эл-юртимга қасамёд қилаётгандек ҳис қилдим. Ўйлайманки, бугун мана шу майдонда турган ва эртага бу ерга зиёратга келадиган барча инсонлар ҳам шундай фикр, шундай хаёл билан бу ҳайкал пойида тиз чўкиб таъзим қилади", деган эди давлатимиз раҳбари ҳайкалнинг очилишига бағишланган маросимда.

Ёш авлодни миллий ғоя руҳида, фидойи ва матонатли ўғлонлар этиб тарбиялашда маънавий ибрат бўлиб хизмат қиладиган ушбу бетакрор мажмуа бугун халқимизнинг энг гавжум масканларидан бирига айланган. Бу ерга юртимизнинг турли ҳудудларидан жуда кўплаб зиёратчилар келади. Улар орасида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим даргоҳлари талабалари, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, аскарлар, жамоатчилик вакилларини учратиш мумкин.

— "Ватанга қасамёд" ҳайкалида юртига хизмат қилишни дилига туккан фарзанд қиёфаси жуда моҳирона тасвирланган, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Адҳам Расулов. — Унга боқиб, эл-юртимиз олдидаги бурчимиз ҳақида янада теранроқ тасаввурга эга бўламиз. Мақсадим — олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлаб, юртимиз сарҳадларини асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшиш. Шу орқали халқимиз, Президентимизга содиқлик қасамёдимизни оқлаш.

Ўзида чуқур ҳаётий фалсафани, теран маъно-мазмунни ифода этган, катта тарбиявий аҳамиятга эга бу улуғвор монумент шу юртда униб-ўсган, унинг бугунги ва эртанги кунини ўйлаб яшаётган ҳар қайси инсонни мусаффо осмонимиз, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга, унинг янада гўзал ва обод бўлиши учун астойдил ҳаракат қилишга, ўз ҳаётини аждодларимиздан мерос ор-номус асосига қуришга, садоқат ва жасоратга ундайди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

*Ватанимизни ишончли тарзда ҳимоя қилиш мақсадида профессионал миллий армияни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли бугун барчамиз тинчлик деб аталмиш бебаҳо неъматдан баҳра олиб, орзу-умидларимиз рўёбини кўраяпмиз. Бунга ҳар қанча шукроналар айтсак, арзийди.*

ФАХР

*Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш, осмонимиз мусаффолигини сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида ҳарбий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.*

## МУСАФФО ОСМОНИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ

Шу мақсадда бир қатор олий ҳарбий таълим муассасалари ташкил этилиб, уларда ҳарбий хизматга салоҳияти етарли, "шу азиз Ватан — меники, уни кўз қорачиғимдек асраб-авайлайман, керак бўлса, ҳатто, жонимни фидо қилишга ҳам тайёрман", деган аҳди қатъий, шижоатли, мард ва жасур фарзандларимизни тайёрлашга киришилди.

Жумладан, Ҳарбий ҳаво кучлари таркибини чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал етук офицерлар билан бойитиш мақсадида 1994 йилда Марказий Осиёда ягона бўлган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига асос солинди.

— Мустақилликка эришганимизга эндигина уч йил тўлган эди, — дея эслайди мазкур олий ҳарбий таълим муассасасининг кафедра мудири, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби Тагир Кулмуратов. — Янги ташкил этилган олий ҳарбий таълим муассасасига кўплаб ҳарбийлар, олим ва мутахассислар таклиф этилди. Дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа зарур адабиётлар келтирилди. Учувчи ва муҳандис-техник ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ниҳоят, 1997 йилда олий ҳарбий билим юртини илк "қалдирғочлар" битириб чиқишди.

— Ўтган давр мобайнида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг алоҳида эътибори натижасида таълим муассасасининг қиёфаси тубдан ўзгариб, мавжуд шарт-шароитлар яхшиланди, — дейди Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, подполковник Отабек Қодиров. — Унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва дарсликлар билан таъминланди. 2002 йилга келиб, шунчаки ҳарбий учувчилар эмас, балки ҳар жиҳатдан етук кадрлар тайёрлаш зарурати ўқиш муддатининг 5 йил қилиб белгиланишига сабаб бўлди. Эндиликда юқори малакали авиация мутахассисларини тайёрлаш, махсус ва умумҳарбий фанларни сифатли ўқитиш учун кўргазмали воситалар, ўқув қўлланмалари, электрон дарсликлар, учиш аппаратлари моделлари ҳамда аэродромларнинг макетлари тайёрланиб, ўқув жараёнида самарали қўлланилмоқда. Замонавий аудиториялар, лабораториялар, спорт заллари ва майдончалари, компьютер, симуляция ҳамда моделлаштириш синфлари, электрон кутубхона курсантлар маҳоратини оширишга хизмат қилаяпти.



Офицер кадрларни тайёрлаш сифатини янада ошириш, уларнинг илмий тафаккурини шакллантириш, мустақил илмий изланишлар олиб бориш, конструкторлик ва рационализаторлик ишларини ривожлантириш мақсадида ҳар бир кафедра қошида ҳарбий-илмий тўгараклар фаолият кўрсатаётганини айтиб ўтиш лозим.

Курсантларга учувчилик сирлари билан бирга ҳушёрлик ва сезгирлик, қатъият ҳамда масъулият кўникмаларини оширувчи машғулотлар, аждодлар меросидан сўзловчи маънавият ва тарих дарслари, дунёқарашини такомиллаштиришга хизмат қиладиган ижтимоий-сиёсий билимлар чуқур ўргатилмоқда. Улар Ватанга хизмат қилишни юксак шараф деб билишади.

— Отам ҳарбий хизматчи бўлганлиги боис болалигимнинг асосий даври ҳарбий шаҳарчада ўтган, — дейди олий ҳарбий таълим муассасаси курсанти Файёз Тошов. — Бу ерда ташкил этилган турли тадбирларда самолётлар ва парашютчиларнинг намойишларини кўриб, менда ҳам учувчиликка қизиқиш пайдо бўлганди. Шу сабабли дастлаб Тошкент авиация коллежига, ундан сўнг Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кирдим. Насиб қилса, яна бир йилдан кейин болалик орзуим амалга ошиб, ҳарбий учувчи бўлиб етишаман. Таълим муассасамизда машғулотларнинг инновацион технологиялар асосида ўтилаётгани, ҳарбий амалиёт жорий этилгани билимимиз мустаҳкамланиб, маҳоратимиз ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз "Йиллар ўтади, замонлар ўтади, аммо, ҳеч шубҳасиз, миллий армиямизни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнлар мустақил Ўзбекистонимиз солномасида, янги тарихимиз саҳифаларида ўчмас ҳарфлар билан ёзиладиган буюк воқеалардан бири бўлиб қолади", деган эдилар. Дарҳақиқат, тинч ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган улкан ислоҳотлар, саъй-ҳаракатлар келгуси авлод вакиллари учун ҳамиша ғурур тимсоли бўлиб хизмат қилади.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ғамхўрликнинг амалий ифодаси

Мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги Қуролли Кучларимиз томонидан муносиб ҳимоя қилинаётган экан, демакки, ушбу шарафли вазифани сидқидилдан адо этаётган мард ва жасур фарзандларимиз ҳар қанча эъзозга, эътиборга лойиқдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жойларда замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талаблар ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит, инфратузилмаларни яратиб бериш бўйича қабул қилинган дастурлар ана шу мақсадни кўзда тутади. Ҳозирги кунгача кўплаб ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг бу борадаги ғамхўрлиги натижасида барча қулайликларга эга шинам уй-жойлар ва бошқа зарур инфратузилма объектлари билан таъминланди. Масалан, 2009 — 2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида хизмат қилаётган бир минг олти юздан зиёд офицер ва сержантлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари замонавий усулда жиҳозланган янги уй-жойларга эга бўлди. Фикримизни Сурхондарё вилоятида чегарачилар учун яратилган имкониятлар мисолида давом эттирсак.

— Бугунги кунга қадар жанубий сарҳадларимизни қўриқлаётган юздан зиёд ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари янги уй-жойларга эга бўлди, — дейди офицер Баҳодир Муродов. — Биргина Обод турмуш йилининг ўзида вилоятда чегарачиларга олтмишдан ортиқ янги хонадонларнинг калитлари топширилди. Жумладан, Термиз шаҳрида ўн ва Музработ туманида йигирма оилага мўлжалланган замонавий уй-жойга ҳарбий хизматчилар кўчиб ўтишди. Кўрсатилаётган бундай юксак эътибордан улар чин дилдан миннатдор.

ИНФРАТУЗИЛМА

Қайд этиш жоиз, ҳарбийлар учун қурилаётган шаҳарчаларда замонавий болалар ўйингоҳи ва спорт иншоотлари ҳам барпо қилинаяпти. Бу Ватан ҳимоячиларининг оиласидан, фарзандларидан кўнгли тўқ бўлиб, зиммасидаги масъулиятли вазифани астойдил бажаришида муҳим аҳамият касб этаётир.

— Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни модернизация қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш баробарида, ҳарбий хизматчилар учун ҳеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароитларни яратиш, уларни ишончли ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ғамхўрликни ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз, — дейди офицер Орифжон Зокиров. — Ўзимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, биз ҳам уч хонали кўркам уйнинг соҳиби бўлдик. Бундан жудаям хурсандмиз. Яратиб берилаётган шундай бекиёс шарт-шароитларга жавобан Ватанимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, юртимиздаги тинчлик ҳамда осойишталикни сақлаш йўлида бор куч ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

Биз Обод турмуш йилида янги уйларга кўчиб ўтиб, қалби қувончга тўлган кўплаб чегарачиларимиз ва уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашганимизда, ҳар биридан ана шундай самимий сўзларини эшитдик. Албатта, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## РАҚАМЛАР СЎЗЛАГАНДА

**1992 йил 14 январь. Республика Олий Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар мустақил Ўзбекистон тасарруфига олинди.**

*1993 йил 29 декабрь. Юртимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни сифатида белгиланди.*

**1995 йил 2 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси очилди.**

*2001 йил январь. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, Тошкент, Марказий, Жануби-ғарбий ва Шарқий ҳарбий округларда Сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди.*

**2002 йил 12 декабрь. "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.**

*2012 йил 31 май. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.*

**2012 йил 11 сентябрь. Президентимиз "Мардлик" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги Қонунга имзо чекди.**

*2012 йил 24 октябрь. Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.*

## Интилиш ва қатъият

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ

Бугун олий ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олишни хоҳловчи йигитлар ниҳоятда кўп. Бироқ бундай масканларда ўқиш бахти ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

...Поп туманилик Муҳриддин Унаров учун ҳам Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти бўлиш осон кечмади. Бундан уч йил аввал катта иштиёқ билан мазкур таълим муассасасини дараклаб келдию мақсадига ета олмади. Шунда ҳарбий либос кийиш учун фақатгина иштиёқнинг ўзи камлик қилиши, бунинг учун интеллектуал салоҳият ва жисмоний тайёргарлик, алоҳида руҳий-маънавий хусусиятларга эга бўлиш лозимлигини тушунди. Ниятига эришиш йўлида, аввало, муддатли ҳарбий хизматга отланди. Армияда, ҳақиқатан ҳам, чиникди, тобланди. Ўй-фикри, тафаккури бир қадар равшан тортди. Энг муҳими, муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли якунлаб, тавсиянома олди. Бу олий таълим муассасаларига ўқишга киришда қўшимча балл шаклидаги имтиёздан фойдаланиши учун қулай имконият эди. Ниҳоят, ўтган йили яна Чирчиққа йўл олди.

Қабул имтиҳонларида Муҳриддин бундан уч йил аввалги оддий бўзбола эмаслигини исботлади. Синовларда 3 минг метрга, 100 метрга югуриш машқларини белгиланган меъёрдан орттириб бажарди. Турникда ўн тўрт марта бехато тортилиб, ўн бешинчисига ҳаракат қилаётганида, имтиҳон ҳайъатидагилар "Бўлди, етарли" дейишди. Чунки у қайд этган натижаларнинг ҳаммаси "аъло" баҳога лойиқ эди-да.

Бугун Муҳриддин билан биргаликда таҳсил олаётган пойтахтлик Шоҳрух Фозилов, жиззахлик Дўстбек Муқимов, қашқадарёлик Шоҳрух Диёров, Тошкент вилоятилик Фаррух Абдуқодиров каби ўнлаб иқтидорли курсантлар Қуролли Кучларимиз тизимида ва Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасида ўтказиладиган турли танлов ҳамда спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, ўрнак бўларли натижаларни қўлга киритишмоқда.

Айни пайтда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида мамлакатимиз Қуролли Кучларига бир қанча мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар етказиб берилаётир. Бўлажак офицерларга мукаммал таълим-тарбия бериш, ҳарбий соҳа сир-синоатларини пухта ўргатиш учун машғулотлар замонавий жиҳозлар, жумладан, моделлаштириш ва симуляция воситалари, ҳарбий техникалар, тренажёрлар, ахборот-коммуникация технологиялари, ўқув-услубий қўлланмалар ёрдамида интерфаол усулларда олиб борилаяпти. Шунингдек, тоғ тайёргарлиги учун махсус йўлак, картинг майдони, отиш ва техник тайёргарлик полигонида курсантлар учун барча шарт-шароит яратилган. Ахборот-ресурс маркази, спорт мажмуаси, маданий ҳордиқ олиш хоналари ҳам улар ихтиёрида.

...Қишнинг бир тутам куни оқшом либосини кия бошлади. Курсантлар техник тайёргарлик бўйича навбатдаги тактик машғулотларни муваффақиятли ўтаб қайтди. Кечки овқатдан сўнг курсант Муҳриддин Унаровга Намангандан хат борлигини айтишди. Хатжилдга "Байрамингиз муборак бўлсин!" деб ёзилган бежирим табрикнома солинган бўлиб, у... ҳамқишлоғи Дилафрўздан экан.

Ўқиди. Шунда дафъатан Муҳриддиннинг қалбидаги қатъийлик, ўктамлик ва ватанпарварлик ҳисси янада жўш урди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Она эъзози

ШУКУҲ

Президентимизнинг 2013 йил 12 декабрдаги Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги фармойишига асосан, жойларда турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, Бухоро шаҳрида аскарлар оналарини шарафлашга бағишлаб ташкил этилган тадбирда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир миллий армияни барпо этиш, унинг куч-қудрати ва салоҳиятини ошириш йўлида ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда уларнинг самаралари хусусида атрофлича сўз юритилди.

Тадбир доирасида Бухоро ва Жиззах вилоятларида ўз йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар билан уларнинг ота-оналари иштирокида видеомулоқот ўтказилди.

— Ўғлим Наврўз Нарзуллаевнинг муддатли ҳарбий хизматга кетганига ҳадемай бир йил тўлади, — дейди бухоролик Абера Пўлатова. — Байрам муносабати билан видеомулоқот қилиш имконияти яратиб берилганидан хурсанд бўлдик. Ўғлимга ҳарбий либос жуда ярашибди. Кўриб, қувондим, бахтиёр фарзандларимиз камолидан фахрландим.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 145 352 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5